

ҲАВО ТРАНСПОРТИДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ ТИЗИМЛИ ВА ХАЛҚАРО ЁНДАШУВЛАРИ

Мавлонов Авазхон Усубхужаевич,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15704375>

Аннотация: Мазкур мақолада ҳаво транспорти объектларида жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга ошириладиган тезкор-қидирув тадбирлари таҳлил қилинади. Муаллиф миллий амалиётни халқаро тажрибалар билан солиштирган ҳолда, хавфсизликни таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, ахборот алмашуви ва техник воситалардан фойдаланиш масалаларини ёритади. Шунингдек, соҳани такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

Калит сўзлар: ҳаво транспорти, жиноятчилик, тезкор-қидирув тадбирлари, хавфсизлик, халқаро ҳамкорлик, божхона, ИИБ, контрабанда.

СИСТЕМНЫЙ И МЕЖДУНАРОДНЫЙ ПОДХОД К ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПО БОРЬБЕ С ПРЕСТУПНОСТЬЮ В СФЕРЕ ВОЗДУШНОГО ТРАНСПОРТА

Аннотация: В статье рассматриваются меры оперативно-розыскной деятельности по борьбе с преступностью на объектах воздушного транспорта. Автор анализирует национальную практику с учетом международного опыта, поднимая вопросы обеспечения безопасности, подготовки кадров, обмена информацией и использования технических средств. Предложены рекомендации по совершенствованию системы.

Ключевые слова: воздушный транспорт, преступность, оперативно-розыскные мероприятия, безопасность, международное сотрудничество, таможня, МВД, контрабанда.

SYSTEMIC AND INTERNATIONAL APPROACHES TO OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITIES IN COMBATING CRIME IN AIR TRANSPORT

Abstract: This article explores the operational-search measures used to combat crime at air transport facilities. The author compares national practices with international experiences, highlighting issues of security provision, personnel training, information exchange, and use of technical tools. The paper presents practical recommendations for improving the system.

Keywords: air transport, crime, operational-search activities, security, international cooperation, customs, Ministry of Internal Affairs, smuggling.

Дунё микёсида жиноятларни зудлик билан ва тўлиқ очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсни аниқлаш ҳамда уларни фош этиш, шунингдек, жиноятчиликка қарши самарали курашиш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни замонавий талаб даражасида ҳал этиш заруратини юзага келтирмоқда. Жиноятларни очиш, тергов қилиш ва суд ҳамда терговдан яшириниб юрган шахсларни қидириш фаолиятини самарали ташкил этиш жараёнидаги амалиёт шундан далолат берадики, терговчиларнинг терговгача текширув олиб боровчи ёки тезкор-қидирув

фаолиятини амалга оширувчи органлар, хусусан, жинойт қидирув бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари алоҳида илмий таҳлил ва комплекс ўрганишни талаб қилмоқда.

Ҳаво транспорти объектлари — аэропортлар, учиш-қўниш йўлаклар, диспетчерлик пункти, юк ва йўловчиларни ташиш инфратузилмалари — махсус ҳимоя талаб қилинадиган, юқори хавф даражасига эга объектлар ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолияти тизими турли тоифадаги тадбирларни ўз ичига олади, улар қўйилган вазифаларнинг мазмуни ва йўналиши, ҳал этиладиган масалаларнинг характери, фаолиятнинг функционал хусусиятлари ва уни амалга оширувчи субъектларига қараб шаклланади. Хусусан, мазкур тизимнинг муҳим таркибий қисмлари жинойтларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш, жинойтларни фош этиш ва тергов қилиш, қидирувда бўлган шахслар ва жиноий тажовуз объекти бўлган ашёларни аниқлаш ҳамда суд ҳукми билан тайинланган давлат мажбурлов чораларини амалга оширишни тезкор жиҳатдан таъминлаш[2] мақсадларида фойдаланилади. Мазкур тоифадаги тадбирлар жинойтчиликка қарши курашиш ва жамиятда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш мақсадларига эришишда муҳим аҳамият касб этади. Улар орқали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз фаолиятида стратегик самарадорликка эришади ҳамда хавфсизликни кафолатлашда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос олимлар ушбу масалада турлича ёндашувларни илгари сурганлар. Масалан, Р.И.Ерохин ўз тадқиқотларида транспорт инфратузилмасида жинойтчиликнинг кўпайиши нафақат ҳуқуқбузарликларнинг оммалашуви, балки тезкор назоратнинг етарлича самарали эмаслиги билан боғлиқ эканини таъкидлайди[3]. Унинг фикрига кўра, ҳаво транспорти каби динамик тизимларда тезкор-қидирув тадбирлари нафақат классик кўринишда, балки янги технологияларга асосланган ҳолда ташкил этилиши зарур. Хусусан, маълумотлар таҳлили, прогностик тадқиқотлар, визуал назорат ва ички хавфсизлик тизимлари орқали жинойтларнинг олдини олиш имкониятлари кенгайтирилиши керак.

Бундан ташқари, профессор М.Х.Ахмедов ўзининг “Жинойтчиликка қарши курашишда махсус хизматлар фаолияти” номли монографиясида ҳаво транспортида тезкор қидирувнинг ижтимоий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиб, қуйидаги фикрни илгари суради: “Ҳаво транспорти объектлари стратегик муҳим объектлардан бири бўлиб, бундай жойларда жинойт содир этилиши нафақат аниқ шахсга қарши, балки давлат ва жамият манфаатларига қарши қаратилган ҳаракат сифатида баҳоланиши зарур”[4].

А.Н.Александров ва О.П.Грибунов транспортда содир этиладиган жинойтларни криминалистика ва жинойт ҳуқуқи соҳасида мустақил ўрганиш объекти сифатида эътироф этиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Бу қараш ҳаво транспортида жинойтчиликка қарши курашишга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар тизимини такомиллаштиришга доир тадқиқот мавзусининг мазмунига тўлиқ ҳамоҳангдир. Мазкур ёндашув ҳаво транспорти муҳитининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, жинойтларга қарши самарали ва ихтисослаштирилган тизим яратишнинг илмий ва амалий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади [4].

Қатор олимлар [5] фуқаролик авиацияси объектларида содир этиладиган жинойтларнинг ўзига хос жиҳатларини алоҳида таъкидлайдилар. Хусусан, террорчилик ҳаракатлари хавфининг юқорилиги, катта миқдорда одамларнинг бир вақтда жойлашиши,

муҳитнинг тез-тез ўзгариб туриши каби омиллар бундай жиноятларнинг хавф даражасини оширади. Ушбу хусусиятлар ҳаво транспортидаги жиноятларга қарши курашиш соҳасидаги тадқиқот мақсадига тўлиқ мос келиб, ҳаво транспорти фаолиятининг ўзига хослигини инобатга олган ҳолда, тезкор-қидирув чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш заруратини асослаб беради. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мазкур фикрлардан келиб чиқиб, ҳаво транспорти объектларидаги жиноятчиликка қарши курашиш борасида тезкор-қидирув тадбирлари нафақат ҳуқуқий, балки кенг ижтимоий аҳамият касб этиши аён бўлади. Бу тадбирлар орқали фақат жиноят аниқланмайди, балки жамиятда хавфсизлик ҳиссини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг давлатга бўлган ишончи ва транспорт хизматларидан фойдаланишдаги кафолатларини таъминлаш мумкин.

Бу борада, маҳаллий олимлардан Ф.Н.Шукуров ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг асосий муаммолари сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтган:

1. Ҳуқуқий тартибга солишнинг етарли эмаслиги: Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўйича фаолиятни тўлиқ амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий норматив ҳужжатларнинг етарли эмаслиги ёки уларнинг самарадорлиги пастлиги муаммоларни келтириб чиқаради .

2. Муаммоларни ҳал қилиш механизмларининг ёъқлиги: Транспорт хавфсизлигини таъминлашда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, янги тартиблар ва механизмларнинг амалиётга жорий этилиши жараёнида қийинчиликлар .

3. Халқаро ҳамкорликнинг етарли даражада ривожланмаганлиги: Транспортда хавфсизликни таъминлашда халқаро ҳамкорлик ва маълумотлар алмашиш масалаларида муаммолар мавжуд, бу эса жиноий фаолиятга қарши курашишда қийинчиликлар туғдиради.

4. Ишончли назорат механизмларининг йўқлиги: Транспортда хавфсизликни таъминлаш бўйича давлат назорати ва бошқа чоралар самарадорлигини ошириш учун ишончли назорат механизмларининг етишмаслиги[6].

Шунингдек, И.Н.Архипцев таъкидлаганидек, ҳаво транспортида ҳам ўзига хос специфик хусусиятлар мавжуд. Бу, аввало, нисбатан чекланган хизмат кўрсатиш ҳудуди, инсонлар ва моддий бойликларнинг юқори концентрацияси, миграцион жараёнларнинг шиддатлилиги, жиноятчилар томонидан самолётни эгаллаб олиш эҳтимоли ва бошқа қатор омиллар билан боғлиқ[7].

Е.С.Дубоносов таъкидлашича, тезкор-қидирув таъминоти соҳасидаги илмий ва амалий тадқиқотларда қатор муҳим муаммолар мавжуд. Биринчи навбатда, назарий асосларнинг етарли даражада ишланмаганлиги қайд этилади. Замонавий тадқиқотларида тезкор-қидирув фаолияти (ТҚФ) назариясининг айрим муҳим элементлари етарлича ҳисобга олинмаётгани, самарали методика ва ёндашувларни ишлаб чиқишни қийинлаштирмоқда. Иккинчи муҳим муаммо – бу жиноятларни фош этишда тезкор ходимлар ва терговчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масаласидир. Илгари ТҚФ мустақил тизим сифатида қаралган бўлса-да, амалиётда бу жараён иштирокчилари ўртасида аниқ

мувофиқлик ва самарали ҳамкорлик зарурати туғилмоқда. Учинчидан, жиноий муҳитнинг ташкиллашган ва мослашувчан тус олаётгани ТҚФни таъминлашда қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқармоқда, бу эса тезкор ходимлар томонидан билим ва кўникмаларни мунтазам янгилаб боришни талаб этади. Тўртинчи муаммо – жиноий элементларнинг ТҚФ натижаларини бузиш ёки сохталаштиришга қаратилган фаол қарши ҳаракатларидир. Бу ҳолат тергов жараёнини ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини жиддий равишда қийинлаштиради[8].

Ушбу муаммолар тезкор-қидирув таъминотини ўрганиш ва уни амалиётга татбиқ этишда комплекс ёндашувни шакллантириш зарурлигини яққол намоён этади. Хусусан, ҳаво транспорти объектларида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш жараёнида тезкор-қидирув таъминотининг ўрни беқиёс бўлиб, замонавий таҳдидлар шароитида ушбу соҳани янги услуб ва стратегик ёндашувлар асосида такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу эса хавфсизликни таъминлаш, жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олишда юқори самарадорликка эришишга хизмат қилади.

Транспорт соҳасидаги ташкилий-структуравий тузилишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, унинг объектларини тезкор бўлинмалар томонидан хизмат кўрсатиш тизими ташкилий ва тезкор-қидирув тадбирлари мажмуини ифодалайди.

Хусусан, бу тизим қуйидагиларни ўз ичига олади:

хизмат кўрсатиладиган объектлардаги ташкилий-хўжалик фаолияти тузилиши, ишлаб чиқариш технологияси, ҳисоб ва назоратнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

муайян объектлар бўйича тезкор хизмат кўрсатиш даражаси ва тартибини белгилаш;

тезкор кузатув асосида жиноят содир этилган ҳолатлар, жиноятни тайёрлаётган ёки амалга ошираётган шахслар, жиноятчилар томонидан қўлланилаётган яширин усуллар ва найранглар ҳақида ишончли ва тўлиқ ахборот олиш;

хизмат кўрсатиладиган объектларда жиноятларнинг содир этилишига сабаб бўлаётган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

хизмат кўрсатиладиган объектлардаги тезкор вазиятдаги барча ўзгаришлар тўғрисида ишончли маълумотларни олиш[9].

Ҳар қандай технологиялар мавжуд бўлган ҳолатда ҳам, айнан инсон омили тезкор-қидирув фаолиятида муваффақиятнинг асосий кафолати ҳисобланади. Ҳаво транспортида жиноятчиликка қарши курашиш махсус билим ва кўникмаларни талаб этади: авиацион логистика хусусиятларини, йўловчилар психологиясини, тақиқланган буюмларни яшириш усуллари билиш каби. Шу боис кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида транспорт милицияси ходимларини тайёрлаш учун ихтисослашган факультетлар фаолият юритади (хусусан, ИИБ Академияси базасида). У ерда транспорт хавфсизлигини таъминлаш асослари, шу жумладан, авиацияда хавфсизликни таъминлаш бўйича назарий ва амалий билимлар ўргатилади.

Давлат божхона кўмитаси қошидаги Божхона хизмати ўқув марказида эса контрабандага қарши кураш соҳасидаги инспекторлар малакасини ошириш бўйича мунтазам ўқув курслари ташкил этиб келинмоқда.

Бундан ташқари, йирик аэропортлар ҳузурида авиация хавфсизлигига бағишланган ўқув-амалий полигонлар ташкил қилинган. “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамияти тасарруфида авиация хавфсизлиги бўйича ўзининг ўқув-тренажёр маркази фаолият юритади. У ерда фақатгина аэропорт хавфсизлик хизмати ходимлари эмас, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳам тайёргарликдан ўтказилади. Машғулотларда текширув, террорчилик таҳдидларини аниқлаш, оғир жиноятларга жавоб қайтариш каби реал сценарийлар ишлаб чиқилади.

Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ТҚТ доирасида олинган материалларни тегишли процессуал расмийлаштириш шартларида далил сифатида эътироф этиш имконини беради[10]. Бу эса фаолият самарадорлигини оширади: масалан, контрабанда тайёрланаётгани тўғрисида тезкор усуллар орқали олинган маълумотлар жиноятчиларни фош этиш, уларни қўлга олиш ва кейинчалик суд орқали жазога тортиш жараёнларининг муваффақиятли кечишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ташкилий, техник ва кадрлар соҳасидаги чора-тадбирлар ўз самарасини бера бошлаган. Ички ишлар вазирлиги маълумотларига кўра, транспорт соҳасидаги жиноятларни фош этиш кўрсаткичлари ўсишга эришмоқда[11]. Шу билан бирга, замонавий таҳдидларнинг мураккаблиги ва трансмиллий хусусияти авиация хавфсизлиги соҳасидаги энг илғор халқаро амалиётларни мунтазам ўрганишни талаб этмоқда. Қуйида биз хорижий мамлакатларнинг қонунчилик ва амалиётида тезкор-қидирув тадбирларининг (ОРМ) қўлланилиши тажрибасини таҳлил қиламиз. Бу эса миллий тизимни такомиллаштириш учун қўшимча резервлар ва самарадорлик манбаларини аниқлашга имкон беради.

Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин. Биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий базаси ҳаво транспортида жиноятларга қарши курашиш вазифаларига умуман мос келади. Тезкор-розиск фаолиятига оид махсус Қонун (2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Тезкор-розиск фаолияти тўғрисида»ги Қонун), Жиноят кодексида контрабанда ва унга яқин жиноятларга оид моддалар, шунингдек авиация хавфсизлиги соҳасидаги қўшимча қонуности ҳужжатлар мавжуд ва амалга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, ОРМнинг амалиётдаги татбиқи бир қатор мураккабликларга дуч келмоқда. Улар қаторига контрабанда билан шуғулланувчи гуруҳлар томонидан қўлланилаётган янги, мураккаб усуллар, шахсий таркиб орасидаги ички таҳдидлар (хусусан, коррупциявий ҳолатлар), техник воситаларнинг етарли эмаслиги каби масалалар киради. Иккинчидан, Ўзбекистон аэропортларида хавфсизликни таъминлаш тизимининг ташкилий тузилиши кўп идорали (мултиведомстволик) хусусиятга эга бўлиб, бу эса аниқ ва тизимли мувофиқлаштиришни талаб этади. Масалан, Тошкент халқаро аэропортида дори воситалари, валюта ва бошқа контрабанда турларини фош этишга қаратилган операциялар муваффақиятли амалга оширилган бўлиб, бунда божхона, ДХХ ва ИИВнинг ўзаро ҳамкорлиги муҳим роль ўйнаган[12]. Шу билан бирга, йўловчилар юкини ўғирлаш билан

боғлиқ айрим муаммолар ҳали тўлиқ бартараф этилмаган. Гарчи ушбу жиноятларнинг умумий даражаси паст бўлса-да, уларнинг мавжудлиги хавфсизликка ишончни пасайтиради.

Халқаро таҳлиллар қатор қимматли тажрибаларни аниқлади. Жумладан:

юкни қайта ишлаш ҳудудларида тезкор ходимларнинг яширин кузатуви ўғирликлар сонини камайтиради (АҚШ, Франция тажрибаси);

Нидерландия ва Япония тажрибасида[13] кўриниб турибдики, турли идоралар ўртасидаги ахборот алмашуви ва таҳлилни марказлаштирувчи махсус марказлар контрабанда ҳолатларини фош этишда самарали ҳисобланади;

Хитой ва Сингапур[14] каби давлатларда жуда қаттиқ жазо чоралари жиноятларнинг олдини олишда тийувчи таъсир кўрсатмоқда;

сунъий интеллект, биометрик технологиялар, юзни таниш ва хавфни башоратлаш тизимлари хавфсизлик назоратининг проактив моделини шакллантирмоқда.

Ўзбекистоннинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда (хусусан, жаҳон савдо ва транзит йўлларининг чорраҳасида жойлашгани, бу эса мамлакатни наркотрафик ва контрабанда учун эҳтимолий транзит ҳудудга айлантиради; авиаташишлар ҳажмининг ортиши ва туризм ривожини) – халқаро илғор тажрибани адаптация қилиш ва миллий шароитга мослаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Транспортда, хусусан, авиация соҳасида жиноятчиликка қарши самарали курашишда кадрларнинг малакаси ва ички мотивацияси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Шу сабабли, ИИБ ва Божхона тизимидаги таълим муассасаларида транспортдаги жиноятларга қарши кураш, айниқса авиациядаги хавфсизликка оид махсус курслар (модулар) жорий этиш, халқаро тажрибага эга мутахассисларни ўқув жараёнига жалб қилиш, Россия, Грузия ёки Европол каби ташкилотларда стажировкалар ташкил этиш таклиф этилади. Бундан ташқари, аэропортларда багаж ўғирлиги, шубҳали буюмларни аниқлаш, наркокуррьерни ушлаш каби сценарийлар асосида идоралараро ўқув машғулотлари ўтказиш, шу жумладан хорижий кузатувчиларни жалб қилиш орқали ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мумкин. Ҳар бир идора ўз тизимида ички хавфсизликни кучайтириши, ходимларнинг ҳалоллигини яширин текшириши, айниқса божхона ва чегара хизмати ходимларига нисбатан турмуш тарзи ва муомалаларини назорат қилиши лозим. Шу билан бирга, жиноятларнинг олдини олган ходимлар учун моддий ва маънавий рағбатлантириш тизimini шакллантириш (масалан, "Йилнинг энг яхши транспорт оперуполномоченни" унвонини таъсис этиш) зарур. Кадрларнинг криминал муҳит билан боғланиб қолиш хавфини камайтириш учун шахсий таркибни ҳар 3–5 йилда ротация қилиш, бироқ бу соҳани бутунлай тарк эттирмасдан, фақат аэропортлар орасидаги ўрин алмашиш шаклида амалга ошириш тавсия этилади.

Хавфсизликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда Ўзбекистоннинг AIRCOP (БМТ ЕННЙ, INTERPOL ва ВМО қўшма ташаббуси) доирасидаги иштироки кенгайтирилиши, Тошкент (ACCU) ва Манас (ACU)[15] аэропортларида тузилган гуруҳлар қаторида Навоий ва Самарқанд каби стратегик аэропортларда ҳам шундай қўшма гуруҳлар ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. МДХ ва ШХТ доирасида ҳамкорлар билан биргаликда

аэропортларда назорат ҳафталиги шаклида қўшма амалиётлар ўтказиш, таргет рўйхатлар билан ўзаро маълумот алмашиш, офицерларнинг вақтинча алмашинувини ташкил этиш мумкин. Бу гастрол қилувчи жинойтчиларни аниқлаш имконини яратади. Бундан ташқари, INTERPOL'нинг i24/7 тизимига тўлиқ уланиш, чегара пунктларида ускуналарни шу база билан реал вақтда интеграция қилиш ва ҳар бир йўловчини йўқолган ҳужжатлар ҳамда кидирувдаги шахслар бўйича текшириш тизимли равишда амалга оширилиши керак. Масалан, Самарқандда Истанбулдан келган рейсда қаллоб аёл ушланган ҳолат, ахборот алмашувнинг нақадар самарали эканини кўрсатади. Шу билан бирга, ИКАО ва ВМО каби халқаро марказларда қисқа муддатли курсларда қатнашиш учун тезкор ва божхона ходимларини юбориш орқали уларнинг малакасини ошириш ва халқаро тажрибани жалб қилиш зарур.

Юқорида баён этилган таклифларни амалиётга жорий этиш ҳаво транспорти объектларидаги жинойтларга қарши қўп босқичли ва самарали тизимни шакллантиришга хизмат қилади. Бундай шароитда ушбу соҳадаги жинойтлар кам учрайдиган ва тезда фош этиладиган ҳолатларга айланади. Ўзбекистон ўз аэропортларини турли таҳдидлардан ҳимоя қилиш билан бир қаторда, уларнинг нуфузи ва йўловчилар учун жозибадорлигини оширади, шунингдек, трансмиллий жинойтчиликка қарши курашиш бўйича ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ бажаради. Такамиллаштирилган қонунчилик, замонавий технологиялар, малакали кадрлар ва халқаро ҳамкорликнинг синергияси мамлакатимизда ҳаво транспортида содир этиладиган ўғирлик ва контрабандага қарши барқарор ва тизимли курашни таъминлайди.

REFERENCES

1. Меретуков Г. М., Лунина Е. С., Липка А. О. Сущность и значение поисковой деятельности подразделений, осуществляющих тезкорно-розыскную деятельность // Научный журнал КубГАУ. – 2016. – № 116(02). – С. 1–20. – URL: <http://ej.kubagro.ru/2016/02/pdf/65.pdf> (дата обращения: 04.03.2025).
2. Ерохин Р.И. Преступления на объектах транспорта и борьба с ними. – М.: Юрлитинформ, 2017. – С. 42–45.
3. Ахмедов М.Х. Жинойтчиликка қарши курашишда махсус хизматлар фаолияти. – Т.: ИИБ академияси, 2021. – Б. 58–63.
4. Александров А.Н., Грибуноов О.П. Особенности раскрытия и расследования преступлений, совершаемых на объектах транспорта и транспортной инфраструктуры // Безопасность на транспорте. Проблемы правоохранительной деятельности. 2017. № 4. С. 88–92.
5. Филиппов А. Н., Парамонов И. М., Любан В. Г. Актуальные вопросы транспортной безопасности в борьбе с террористами-смертниками на объектах гражданской авиации // Вестник Московского университета МВД России. – 2016. – № 3. – С. 184–188.
6. **Шукуров Ф. Н.** Ички ишлар органларининг транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг ҳуқуқий асослари // Uzbek Scholar Journal. 2023. Vol. 12. С. 11–17.

7. Архипцев, И. Н. К вопросу об особенностях обеспечения общественного порядка и общественной безопасности на железнодорожном, воздушном и водном транспорте / И. Н. Архипцев // Проблемы правоохранительной деятельности. – 2015. – № 4. – С. 86–90.
8. Дубоносов Е. С. К вопросу о развитии учения об тезкорно-розыском обеспечении расследования преступлений // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. – 2015. – № 2. – С. 102–105.
9. Богданов, А. В., Парамонов, И. М., Хазов, Е. Н. Тезкорно-разыскные меры борьбы с преступностью на объектах железнодорожного, водного и воздушного транспорта // Вестник Московского университета МВД России. — 2018. — № 4. — С. 254–258.
10. Нодиров М.А. Сравнительный анализ законов об тезкорно-розыскной деятельности стран содружества независимых государств // cyberleninka.ru/science/uz
11. sv.zarnews.uz
12. gazeta.norma.uz gazeta.norma.uz
13. customs.go.jp/about/netherlands/customs.nl
14. bbc.com
15. unodc.org